

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ MR 2-63

2016 йил



“Филология ва тилларни ўқитиш”
(корейс тили)

Йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАХОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ
МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ RESPУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва
урта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2016 йил 26 декабрь даги 8 - сонли баённомаси билан
маъқуллашган.

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”
модули: с.ф.д., проф., И.Эргашев, ю.ф.н., доц.,
В.Топилдиев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”
модули: п.ф.д., проф., Н.А.Муслимов, п.ф.н.,
М.Т.Мирсолнцева, п.ф.н., доц., М.Усманбаева, А.Исянова.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц.,
Х.Холматов, ф-м.ф.н., доц., Д.Иргашева, кат. ўқит.,
В.Хамидов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги
Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит.,
У.Гисова.

“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари”
модули: с.ф.д., проф., С.Жўраев, ф.ф.д., проф. Р.Самаров,
пс.ф.н., Х.М.Алимов.

Махсус фаиллар бўйича: Хорижий эксперт: Квон Дон Жин
(Корея).
Илчи гуруҳ: пед.ф.д., проф. Л. Ахмедова, Г.Махкамова,
ф.ф.д., проф. З.Худайберганаева, ф.ф.н., доц.
Ж.Зиямухаммадов.

Тақризчилар: Хорижий эксперт: Чой Со Ёнг (Корея).
М.Курбонова – ЎзМУ ф.ф.д., проф.

Йил _____ даги _____
Ўқув дастури ЎзДЖТУ Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2016
- сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмунини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутлади.

Дастур доирасида берилмаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрларлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнини кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фаиллар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Хорижий тилларни ўқитишда инновацион технологиялар бўйича илгор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш

- 3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Хорижий тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли ва стилистик таҳлилларни қўллаш.

VI. Махсус фанлар

- 6.1. Шарқ филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалалари.
- 6.2. Маданиятлараро мулоқот назариясининг лингвистик асослари.
- 6.3. Таржима методологияси ва стратегияси.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг максоди ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг максоди педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунгазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар қиради:

- «Филология ва тилларни ўқитиш» (корейс тили) йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуksиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- «Филология ва тилларни ўқитиш» (корейс тили) йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетентияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- тилларни умумевропа стандартлари талабларини;
- чет тилни ўқитишнинг назарий асосларини;
- тилни коммуникатив ёндашув асосида ўргатишни;
- дарсни режалаштиришни;
- таълимни турли нутқ кўникмаларини ривожлантиришга йўналтиришни;
- чет тили таълимида баҳолаш ва унинг мезон ва меъёрларини;
- чет тили таълимида баҳолаш турларини ширинли қўллашни;
- баҳолашда лингвистик ва маданиятлараро компетентияларни ҳисобга олиш тамойилларини;
- чет тили таълимида баҳолаш мезонларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- ўз касбий фаолияти соҳасида олий таълимнинг баҳолашга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида иш юритиш;
- баҳолашга қаратилган назорат ишларини ишлаб чиқишга оид муаммоларни таҳлил қилиш;
- баҳолашга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш *қўлиқмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тил ва нутқ материалларини танлаш тамойиллари, аутентик манбалар билан ишлаш;
- дарсларнинг технологик макмуаси (универсал модель, технологик карта, иловалар)ни яратиш;
- тил ўқитиш методикаси бўйича тўплаган маълумотларни амалда қўлай олиш;
- таълим олувчиларнинг билиш қобилиятларини баҳолай олиш;
- ўқув жараёнини режалаштириш, баҳолаш, фидбек механизмларини амалга ошириш;
- мустақил таълим турлари бўйича вазифа бериш;
- талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашга қаратилган портфолиони ишлаб чиқиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- баҳолашга оид таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қўллашда ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш;
- баҳолашга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- баҳолашга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- ўзаро дарсларни кузатиш ва тажриба алмашиш;
- таълим жараёнида тадқиқот усулларидан фойдаланиш;
- талабалар билимини баҳолашга қаратилган турли назорат ишларига ҳулосалар бериш;
- чет тили таълимида баҳолашга оид қарорлар қабул қилиш *компетенцияларига эга бўлиши зарур.*

Курс хажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкласи ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони

3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Филология ва тилларни ўқитиш” (корейс тили) йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгилини жамият ривожланишининг муҳим омилли сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажатги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга қиритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиб босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим

технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга таъбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиоторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали хал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шартлари педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.2. Хорижий тилларни ўқитишда инновацион технологиялар бўйича илгор хорижий тажрибалар.

Хорижий тил бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда инновацион технологиялар ва унинг сифатини таъминлаш борасида илгор хорижий тажрибалар, турли ёндашувлар. Хорижий тил бўйича инновацион технологиялар соҳасидаги илгор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эврисстик методлар ва бошқалар. Хорижий тил таълимида тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация- хорижий тил таълимида натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Хорижий тил бўйича талабалар билимини баҳолашнинг ассисмент технологиялари.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологиялардан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари.

Ziynet.uz va boshqa taъlim portallari resurslari bilan ishlash. Internet taromgida pedagoglarning, talabalarнинг электрон мулоқот мухитида жамоа бўйли ишлаш шакллари. Блог, форум va тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни va имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагог жараёни лойihalаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машгулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point va б.). Web 2.0/3.0 технологиялари va уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш va ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

3.2. Хорижий тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари.

Хорижий тилларни ўқитишда ахборот технологияларининг ўрни va имкониятлари. Хорижий тилларни ўқитишда қўлланиладиган ахборот технологиялари, техник va дастурий воситалар. Хорижий тилларни ўқитишда мультимедиа va мультимедиа компонентлари. Хорижий тилларни ўқитишда мультимедиа ахборот имкониятлари. Хорижий тилларни ўқитишда мультимедиа электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар в.х.). Электрон таълим ресурслари хақида тушунча. Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган холда электрон таълим ресурсларини яратиш. Хорижий тилларни ўқитиш бўйича электрон ўқув курсларини лойihalаштириш. Билимни баҳолаш тизимлари. Файлларни сақлаш усуллари. Хорижий тилларни ўқитишда таълимда интернет технологиялари. Хорижий тилларни ўқитишда масофавий таълим технологиялари. Хорижий тилларни ўқитишда масофавий ўқитиш технологиялари va ташкил қилиш усуллари. Видео конференция. Оммавий on-line очик курслар (Coursera, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware).

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсификация усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш va ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти va унинг таркиби. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида va тилга оид билим va кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот мухити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш va бошқ. Хорижий тилни ўрганишда

грамматиканинг ахамияти (грамматика va лексика-B1-B2 оралигида). Тил ўрганишда ўқитувчи va ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик va онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг ахамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек va хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари хақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзуллари: кундалик хаётга оид (шахсий маълумот, оила хақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш va хоказо) ижтимоий хаётга доир, таълимга va касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли тахлил va қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил va қарор қабул қилиш технологиялари.

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим va тизимлар назарияси. Тизимли методология va тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади va вазифалари. Тизимли тахлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим va унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилин амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси va унинг асосий вазифалари. Қарор турлари va уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни va педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик va б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти va прогностик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

5.2. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли va стилистик тахлилларни қўллаш.

Хорижий тилларни ўқитишда тизимли va стилистик тахлил хақидаги асосий тушунча va тамойиллар. Хорижий тилларни ўқитишда стилистик тизимнинг хусусияти va тузилмаси. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли va стилистик тахлиллар методологияси. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли va стилистик тахлилларнинг йўналишлари. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли va стилистик тахлилнинг шаклланиш va ривожланиш босқичлари. Хорижий тилларни ўқитишда стилистик va тизимли услуб va тизимли

ёндашув. Хорижий тилларни ўқитишда аналитик тадқиқотлар асосида тизимли ва стилистик таҳлилларни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Хорижий тилларни ўқитишда тизимли ва стилистик таҳлилда микродорй ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Хорижий тилларни ўқитишда талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли ва стилистик таҳлили.

VI. Махус фанлар

6.1. Шарк филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалалари.

Шарк филологиясининг тарихий илдиэлари. Ўтмишда яратилган лугат ва грамматикалар. Шарк тилшунослиги мактаблари. Корея тилшунослиги мактаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги замон шарқшунослигида шарк тилларини, хусусан корейс тилини ўрганиш масаласи. Шарк тилларини фонетик, лексик-семантик ва грамматик жиҳатдан ўрганиш масалалари. Ўзбек шарқшунослиги ва унинг олдида турган вазибалар. Ўзбек корейсшунослиги.

Дунёнинг корейс тилини ўқитадиган олий таълим муассасалари тажрибалари. Кореяда тил сиёсати ҳамда хорижий тилларни ўқитиш услубияти. Ғарб ва Шарк тил ўқитиш қонуниятлари. Ғарбда тил ўқитиш амалиёти. Шарк мамлакатларида тил ўқитиш амалиёти. Кореяда тил ўқитишининг ўзига хос жиҳатлари.

6.2. Маданиятлараро мулоқот назариясининг лингвистик асослари.

Маданиятлараро мулоқот назариясининг юзага келиши: сабаб ва омилар. Эдвард Холл назарияси. Юқори ва қуйи контекстли маданиятлар. Маданиятлараро мулоқот муаммолари ва уларнинг ечими. Тил, маданият ва коммуникация: ўзаро муносабат масалалари. Маданий қарахтлик ва адаптация масаласи ҳамда тизими. Аслият ва таржимада тиллараро ва маданиятлараро ўзаро таъсир. Мулоқотга ёрдам берувчи омилар ва тўсиқлар. Турли маданият вакиллари мулоқотидаги қийинчиликлар. Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати. Инсон онгида акс этган дунёнинг тилда ифодаланиши. Корейс дунёси лисоний манзараси. Тилнинг шахс шаклланишига таъсири.

6.3. Таржима методологияси ва стратегияси.

Таржимашуносликнинг долзарб масалалари. Таржимани моделлаштириш муаммолари. Ситуатив модел. Семантик модел. Трансформацион модел. Отто Каденинг уч босқичли таржима назарияси.

Таржима стратегияси ва амаллари. Таржима турлари. Оғзаки ва ёзма таржимада қўлланиладиган асосий усуллари. Трансформация. Деформация. Транслитерация. Генерализация. Таржимани амалга ошириш босқичлари.

Матн тури таржима жараёнининг асосий омили ва мезони сифатида. Матн таснифи масалалари. Таржима методини танлаш ва асослаш. Таржима матнининг структур-типологик аспектлари. Илмий-техник матнлар, расмий-иш, публицистик, сўзлашув услубидаги матнлар ва бадий матнлар таржимаси ва унинг хусусиятлари. Услубий ҳатолар. Муаллиф услуби ва баён турлари.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профилъ кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдмоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- кейслар банки;
- мавзулар бўйича тақдимотлар;
- бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазибаларини ёритиш;

• мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модуллارни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008. -176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011. -440 б.
5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, барқамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуқсиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуқсиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлири талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқидан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. – Т.: 2000. – 218 б.
3. Исмаилов А.А., Жалолов Ж.Ж., Саггаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
6. Саггаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
7. Қошғарий Махмуд. Девону луғотит турк И-ИИИ. Тошкент, 1960-1963.
8. Содиков К. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: алабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2006.
9. Худойберганава Д. Магннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013.
10. Махмудов Н. “Тилнинг муқамал тадқиқи йўлларини излаб...”// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. –№ 5. –Б. 3-16.
11. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Дарслик. –Тошкент: Фан, 2005. –Б. 93.
12. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. 5-jild. -Toshkent: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, 2003. –Б. 372-373.

13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 521.
14. Махмудов Н., Худойберганава Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. –Б. 5.
15. Миртожиёв М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б.121.
16. Catlin R. Tucker. Blended learning. –Corwin, 2012.
17. Gary Motteram. Innovations in learning technologies for English languages teaching. –British Council, Brand and Design, 2013.
18. Jan Bell, Roger Gower. Expert Advanced with my Lab pack (Student's Coursebook, CD, Resource book, Teachers book). –Pearson Longman, 2014.
19. Michael Simonson, Sharon E. Smaldino, Michael Albright, Susan Zvacek. Teaching and Learning at a Distance: Foundations of Distance Education. –Pearson; 5 edition. 2011.
20. Patrick J. Schloss, Kristina M. Cragg. Organization and Administration in Higher Education 1st Edition. – Routledge, 2012.
21. Stanley Kubrick. A narrative and stylistic analysis. –An imprint of Greenwood Publishing Group, Inc, 2001.
22. Stephen M. Alessi, Stanley R. Trollip. Multimedia for Learning: Methods and Development (3rd Edition). –Pearson, 2000.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.asi.uz.
3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
4. Тошкент ахборот технологиялари университети: www.tuit.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мағбуот маркази сайти: www.press-service.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимиёти портали: www.gov.uz.
7. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI:
8. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
9. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
10. <http://uz.m.wiki/> / Sharqshunoslik
11. <http://ziyouz.uz/component>
12. <http://kh-davron.uz/tag>




"ИШЛАБ-ЧИКИЛГАН"

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта таърилади ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилган Бош илмий-методик маркази

Директор М.У. Бегимкулов

"__" _____ 201__ й.

М.У.



Ректор Ш.Ш. Каюмов

"__" _____ 201__ й.

М.У.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги "Истеъдод" тиллари ўқитишнинг инновационий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази

Директор Ш.М. Тухтасинов

"__" _____ 201__ й.

М.У.

"КЕЛИШИЛГАН"

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи

И.У. Мажидов

"__" _____ 201__ й.

М.У.